Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 43 (1509) 2024-YIL 25-OKTABR, JUMA

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

https:// adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

O‘zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi va uning nomzodlariga ovoz bering!




# УЛУҒВОР ҒОЯЛАР, АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ҒАЛАБАҒА ЭРИШАМИЗ!

**Партия етакчиси Робахон Махмудова Фарғона, Андижон, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида сайловчилар билан учрашди**




Мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлари сайлови олдидан ташкил этилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари якунига етиб бормоқда. Тез орада ғалвир сувдан кўтарилади. Шундан келиб чиқиб айта оламизки, рақобатда устун келмоқ, сайловда муваффақиятли иштирок этмоқ учун айни кунлар ўта муҳим имкониятдир.

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова Фарғона шаҳридаги "Нуронийлар маскани"да пиру бадавлат отахон ва онахонлар билан учрашди.

2-3-4

















# УЛУҒВОР ҒОЯЛАР, АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ҒАЛАБАГА ЭРИШАМИЗ!




1

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон халқ устаси Муҳаммадали Юнусов каби моҳир ҳунармандлар қўлида сайқал топган айвонлар, жимжимадор ва нақшинкор безакли устунлар янги ижтимоий марказ ҳуснига ҳусн қўшган. Бу ерда кексалар учун барча шароитлар яратилган. Кутубхона, тиббиёт хонаси ва махсус тренажёр заллари, шахмат-шашка клуби, чойхона улар ихтиёрида.

Робахон Махмудова жамият тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилиб, қадр топган қадри улуғлар билан дилдан суҳбатлашар экан, сўнгги йилларда кекса ёшдаги фуқароларни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини янада ошириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўла ҳуқуқли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, катта авлоднинг жамият, оилалар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини ошириш борасида кўплаб амалий ишлар қилингани, бу борада бошқа ҳудудларда ҳам "Нуронийлар маскани" қурилиб, фойдаланишга топширилаётганини алоҳида таъкидлади.

***– Биз учун ҳаётингиз ва фаолиятингиз ибрат, айтган ҳар гапингиз ҳикмат десам, янглишмаган бўламан,*** – деди Сиёсий Кенгаш раиси нуронийлар билан суҳбат чоғида. ***– Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, сиз, сизлар тимсолингизда юртимиздаги барча кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш партиямизнинг келгуси беш йилликда ҳам устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади. 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастуримизда ҳам кекса авлод ҳақида қайғуриш доимий диққат-эътиборимизда бўлиши ўз ифодасини топган. Жумладан, кексаларга мўлжалланган турли-туман тадбирларни ўз ичига олувчи алоҳида комплекс соғломлаштириш дастури ишлаб чиқиш, айниқса, қариялар билан ишлайдиган шифокор-геронтологлар тайёрлашни йўлга қўйиш, шифохоналар ва поликлиникаларда қариялар билан ишловчи шифокор-геронтолог штатини жорий этишни режалаштирганмиз.***

Суҳбат давомида **Ўзбекистон Қаҳрамони Ботиржон Темиров** партия Сайловолди дастуридаги "қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини ошириш", **Ўзбекистон халқ артисти Султонали Маннопов** "умумтаълим мактабларида "Ақлли мактаб" тизимини жорий этиш", **меҳнат фахрийси Манзурахон Аҳмадалиева** эса "хотин-қизларни зўравонликдан асраш бўйича ижтимоий муҳофаза чораларини кучайтириш" таклифларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг Сиёсий Кенгаш раиси партиянинг Фарғона вилоят кенгаши фаоллари билан **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Дўстлик” ордени соҳибаси Туйғуной Эгамбердиева, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, фахрий педагог Омонжон Ҳошимов** ҳамда **Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Ёрқиной Ҳотамова** хонадонида бўлди. Партия етакчиси таълим, санъат ва адабиёт соҳаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, фарғоналиклар орасида катта обрў ва ҳурматга сазовор бўлган, элимиз ардоғидаги соҳа фидойилари билан дилдан суҳбатлашди.

*– “Адолат” СДП бошқа сиёсий партиялар ичида ташаббускорлиги билан ажралиб туради,* **– деди профессор Туйғуной Эгамбердиева.**




*– Партиянинг ўтган беш йиллик фаолиятида асосий электорат вакиллари бўлган педагоглар ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ойлик маошларининг оширилишига доир ташаббусларидан ва амалий натижаларидан соҳа ходимлари миннатдор. Бу ҳаракатларни давом эттириш ташаббуси партиянинг Сайловолди дастуридан ҳам ўрин олгани мени хурсанд қилди. Бугун жамиятдаги энг оғриқли муаммолар бу – оилавий ажримлар ва қариндошлик никоҳлари оқибатида ногирон фарзандларнинг дунёга келиши. Бу оилавий муаммолар эмас, аксинча, жамиятнинг соғлом генофондига таъсир кўрсатувчи иллат, десак хато бўлмайди. “Адолат” СДПнинг оила институтининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофазасини кучайтириш мақсадида “Оналик, оталик ва болаликнинг давлат муҳофазаси тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш таклифини мен, энг аввало, она, олима ва жамиятнинг жонкуяр аъзоси сифатида қўллаб-қувватлайман!*

Куннинг иккинчи ярмида "Адолат" СДП етакчиси вилоятдаги асосий таянч олий таълим муассасаси – Фарғона давлат университетидаги партия тарғибот-ташвиқот пункти фаолияти билан танишди.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, жорий йилги сайловлар пропорционал ва мажоритар тарзда ўтиши “Адолат” партияси аъзоларининг ҳам масъулиятини оширди. Партиянинг “Ёшлар қаноти” вакиллари махсус безатилган автобус ва турли автоуловларда партия танилувчанлигини янада оширишда фаоллик кўрсатишмоқда. Фарғона вилоятининг марказий кўчалари бўйлаб фаоллар “Адолат” байроқларини мағрур ҳилпиратган ҳолда юриш қилар эканлар, партия ва номзодларнинг Сайловолди дастурлари туширилган турли тарқатма материалларни ҳар бир сайловчига етиб бориши учун ҳаракатдалар.

Партия раҳбари университет профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари орасида партия танилувчанлигини ошириш, ўтган беш йилликда эришилган салмоқли натижалари ҳамда келгуси беш йилликда ижтимоий соҳалар, айниқса, олий таълим тизимини такомиллаштириш учун партия ўз олдига қўйган мақсад ва режалари хусусида тарғибот ишларини олиб бориш муҳимлигини қайд этди. Шунингдек, Сайловолди дастури ҳамда маҳаллий вакиллик органларига партиядан кўрсатилган номзодлар бўйича маълумот берувчи тарғибот воситаларидан фаол фойдаланиш зарурлигига алоҳида тўхталди.

***– Олий таълим – мамлакатнинг илмий инновацион ривожланишида асосий ўрин эгалловчи муҳим йўналиш эканини яхши биламиз. Шундан келиб чиқиб, бу борада келгуси беш йиллик учун "Олий таълим муассасаларида ўқув сифатини ошириш мақсадида ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, замонавий хорижий адабиётларни харид қилиш ва таржима қилиш ишларини ти-***




***зимли йўлга қўйиш" ташаббусини олдимизда турган устувор вазифа сифатида белгилаб олганмиз,*** – деди Робахон Махмудова.

Танишувдан кейин Сиёсий Кенгаш раиси Фарғона давлат университети мажлислар залида вилоятдаги суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари билан учрашди. Учрашувда “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши масъуллари, депутатлар, партия фаоллари, университет профессор-ўқитувчилари, БПТлар аъзолари, депутатликка номзодлар, талаба-ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Тадбир аввалида вилоят кенгаши раиси Шаҳноза Ғаниева вилоят кенгаши томонидан жорий сайлов арафасида олиб борилаётган ташкилий ишлар, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ва тарғибот-ташвиқот пунктлари фаолияти, маҳаллий ОАВ ва ижтимоий тармоқлар билан ҳамкорлик натижалари хусусида маълумот берди.

Шундан сўнг Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова “Адолат” СДПнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури мазмун-моҳияти, ижтимоий-сиёсий соҳалар, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш йўналишида илгари сурилган муҳим ва халқчил таклифлар бўйича маъруза қилди.

Маърузада суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш “Адолат” партиясининг устувор мақсадларидан бири эканлиги таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, партия одил судловнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, судларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилишига эришиш борасида бир қатор муҳим таклифларни илгари сураётганига алоҳида тўхталди:

*– фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ортиқча сарсонгарчилигининг олдини олиш мақсадида давлат органи ва улар мансабдор шахсларининг қарори ва хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан маъмурий судга шикоят қилишда низоларни судгача ҳал қилиш тартибини жорий қилиш, шунингдек, маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки эшитув тартибини йўлга қўйиш;*

*– фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини оширишда судьяларнинг мустақил бўлиши муҳим мезон бўлиб, судьялар ҳуқуқларини юқори даражада кафолатлаш ва иш юкламаларини мақбуллаштириш мақсадида “Судьялар мақоми тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини ишлаб чиқиш;*

*– судларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тез ва сифатли таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида судьялар сонини аҳоли сонига мутаносиб равишда кўпайтириш, шунингдек, судьяларнинг ихтисослашувини янада кенгайтириш, жумладан, меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпусини яратиш ана шулар жумласидандир.*




*– Учрашувда партия етакчиси томонидан суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича келгуси беш йиллик учун мўлжалланган таклифлар ҳақида кўплаб эътиборга лойиқ масалаларни эътироф этиш мумкин,* **– деди Данғара тумани ҳокимлиги ҳуқуқшуноси, Фарғона вилоят кенгаши депутатлигига номзод Баҳодир Раҳмонов.** *– Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ҳозирги кунда энг муҳим вазифалардан бири саналади. Сайловолди дастурининг биринчи йўналиши “Ҳуқуқий давлат барпо этиш – олий мақсадимиз” деб номланиши бу борадаги асосий ютуқ, деб ўйлайман. Аниқроқ айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини самарали ташкил этиш, айниқса, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти, инсон ҳуқуқларига риоя этиш масъулиятини тубдан ошириш, маҳаллалардаги профилактика инспекторларининг барчаси олий юридик маълумотга эга бўлишини таъминлаш таклифини юқори баҳолайман.*

Сайловчилар билан юзма-юз мулоқот давомида Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси, партия фаоли Зокиржон Раҳмонов, республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилоят филиали директори Нигора Иброҳимова, Фарғона политехника институти Халқаро ҳамкорлик бўйича проректори Зиёдбек Юнусов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

*– Адолат – ҳар бир инсон учун ҳаётий зарурият,* **– деди Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси Зокиржон Раҳмонов.** *– “Адолат” партияси Сайловолди дастуридаги 9 та муҳим йўналишда акс этган ҳар бир таклиф ва ташаббус давлат ҳамда халқ манфаатлари устуворлигига қаратилган, чуқур ўйланган ва долзарб муаммоларга тўғри ечим топишга асосланган билан халқимиз томонидан илиқ кутиб олинди. Шундан келиб чиқиб, халқимизнинг партияга бўлган ишончи ва ҳамфикрлиги янада ошишига ишончим комил. “Адолат” партиясининг ҳаётга татбиқ этилаётган ташаббуслари биз учун муҳим. Чунки улар жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига тўғридан-тўғри таъсир ўтказади. Шунинг учун биз ҳар доим халқ билан яқин алоқа ўрнатишга, уларнинг фикр ва таклифларини инобатга олишга интиламиз. Энг муҳими, бу ташаббусларнинг самарадорлигини ошириш ва жамиятимизнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим роль ўйнаши учун аҳолини фаоллаштиришга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беришимиз керак. Адолат қарор топган жамиятда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради, халқнинг давлат сиёсатига бўлган ишонч-эътиқоди ортади, фуқароларнинг Ватан келажагига дахлдорлик туйғуси юксалади.*

*– Партиянинг соғлиқни сақлаш масаласига биринчи навбатдаги ижтимоий вазифа сифатида қараб, ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишдек конституциявий ҳуқуқи рўёбга чиқишини кафолатлаш тўғрисидаги ташаббуси менга манзур бўлди,* **– деди республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилоят филиали директори, "Адолат" СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзод Нигора Иброҳимова.** *– Масалан, “Фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишув ва ноқонуний мулоқот, фармацевтларнинг тиббиёт муассасаларига ғаразли ҳомийлигини тўлиқ тақиқлаш, бу каби ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгилаш” таклифини олайлик. Бу таклифнинг аҳамияти жуда катта. Бундан мақсад, аввалambor, тиббий хизматларнинг сифати ва шаффофлигини таъминлашдир. Агар тиббиётдаги ҳар қандай муносабатлар очиқ ва аниқ бўлмаса, бу фуқароларнинг ҳуқуқлари, таъминотлари ва саломатлигига тўғридан-тўғри таъсир ўтказади. Яширин келишувлар ва ғаразли ҳомийликлар фуқароларни алдаш, уларнинг соғлиғига зарар етказиш билан бирга, тиббий хизматларда турли муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун жиноий жавобгарликни белгилаш нафақат фармацевтларнинг ўз вазифаларига содиқ бўлишини таъминлайди, балки тиббиёт муассасаларидаги профессионал этика ва масъулиятни ҳам кучайтиради. Бундан ташқари, тиббиёт соҳасидаги рақобатни ошириш, йўналишларни ривожлантириш ва замонавий стандартларга мос келадиган таълим беришга кўмаклашади.*

*– “Адолат” СДПнинг бош мақсади Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояланган ҳуқуқий давлатни қуришдир,* **– деди Фарғона политехника институти Халқаро ҳамкорлик бўйича проректори, "Адолат" СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзод Зиёдбек Юнусов.** *– Сайловчиларимиз партиямизнинг ғоя ва мақсадларини тўғри тушуниб, бизни қўллаб-қувватлаётгани қувонарли. Зеро, “Адолат” СДП учун олий қадрият – бу инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир. Айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир таклифлари кўпчиликнинг кўнглидаги гап. Эътибор беринг, партия “Ёшларнинг соғлом камол топиши ва спорт билан шуғулланишини оммалаштириш мақсадида ҳар бир маҳаллада болалар шуғулланадиган спорт майдонларини ташкил этиш”ни таклиф қилмоқда. Спорт майдонларини ташкил қилиш, нафақат ёшларнинг жисмоний соғлигини таъминлайди, балки уларнинг ижтимоий интеграцияси ва шахсий ривожланишига ҳам кўмаклашади. Бунда ёшлар орасида саломатликни рағбатлантириш, дўстлик ва рақобат руҳини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, спорт ёшларда жамоа туйғусини, ҳамкорлик ва масъулиятни кучайтиради. Натижада ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳияти ҳам ошиб боради.*

Тадбирда партия етакчиси ва депутатликка номзодлар сайловчилар ва ёшларни партиянинг ҳаётий дастурини қўллаб-қувватлашга, бўлажак сайловларда барчани “Адолат” партияси ва номзодларига овоз беришга чақирди.

Учрашув якунида "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова партия сафига қўшилишга хайрихоҳлик билдирган бир гуруҳ фаол ёшларга аъзолик гувоҳномаларини топширди.

**Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати**

3











# УЛУҒВОР ҒОЯЛАР, АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ҒАЛАБАГА ЭРИШАМИЗ!

**Сайловолди кампанияси доирасида “Адолат” СДП жойларда ўз ғоя ва дастурларини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳоли ўртасида партия ғояларини тарғиб этишга қаратилган қатор тадбирларни ўтказди, жараёнларни юқори савияда, кўтаринки кайфиятда, ноодатий ва расмийликдан холи, халқчил ташкил этиш партиянинг диққат марказида бўлди.**

Юқорида қайд этилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда 21 октябрь куни Робахон Махмудова Андижон вилоятига етиб келди. Дастлаб партия етакчиси “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши раиси, Андижон давлат тиббиёт институти ректори Мадаминжон Мадазимов ҳамроҳлигида мазкур олийгоҳнинг илмий салоҳияти, ўқув фаолияти билан танишди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда институтда даволаш, педиатрия, стоматология факультетлари ҳамда касбий таълим, олий ҳамширалик иши, фармация, тиббий профилактика йўналишларида бакалавриат ҳамда 29 та мутахассислик йўналиши бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Шунингдек, шифокорлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида водий вилоятлари шифокорлари учун малака ошириш курслари йўлга қўйилган.

2019-2020-ўқув йилида АДТИ клиникасида жойлашган жарроҳлик йўналишидаги умумий жарроҳлик, жарроҳлик касалликлари, урология, офтальмология, оториноларингология, нейрожарроҳлик кафедраларида телемедицина йўлга қўйилган. Талабалар ўқув аудиторияларида туриб жарроҳлик блокида олиб борилаётган жарроҳлик муолажаларини кузатиб боришлари ҳамда жарроҳ билан бевосита мулоқот қилишлари учун шарт-шароитлар яратилган.

Танишув мобайнида Робахон Махмудова институт вакиллари ва талаба-ёшларига “Адолат” СДП электоратининг катта қисми тиббиёт соҳаси ходимларига тўғри келишини, шу нуқтаи назардан уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш, касбий фаолиятини қўллаб-қувватлашда партия кўплаб амалий натижаларга эришгани, бу борада тизимли лойиҳаларни ўтказиб келаётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Сиёсий Кенгаш раиси бўлажак шифокор ва ҳамшираларга партиянинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастуридаги тиббиёт соҳасига оид айрим муҳим таклифлар хусусида маълумот берди.

Жумладан, мактабларда болаларга бепул стоматология хизмати кўрсатилишини таъминлаш ва ўқувчиларни йилига икки марта стоматологик кўрикдан ўтказиш, Ўзбекистонда туғилиш сони кўплигини инобатга олган ҳолда, педиатрия соҳасида мутахассислар тайёрлаш сонини кўпайтириш, дорихоналарда рецептсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатини қисқартириш ҳамда дорихоналар сонини мақбуллаштириш каби таклифларга алоҳида тўхталиб, уларни амалга оширишда институт талабалари бўлажак мутахассислар сифатида фаол бўлиши кераклигини қайд этди. Шундан сўнг Робахон Махмудова, Марказий аппарат ходимлари, депутатлар, вилоят кенгашига номзодлар, партия фаоллари ва ёшлар оммавий тадбир манзили томон йўл олди.

Тадбир ўтказиладиган жой – Андижон шаҳридаги “Navruz mall” савдо кўнгилочар мажмуаси эрталабдан партия атрибутлари билан безатилди. “Адолат” СДП билан боғлиқ шиорлар, байроқлар, видеороликлар, тадбир қатнашчиларининг эгнидаги кийимлар ҳам ўзгача. Уларда сайловлар арафасида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, адолат ўрнатиш, кучли ижтимоий ҳимоя, коррупцияга қарши курашиш ва яна шу каби бир қатор ташаббуслар билан сиёсий майдондаги ўрнини мустаҳкамлаётган партиямиз ғоялари ўз ифодасини топган. Бу жамоатчиликнинг эътиборини тортиш баробарида уларни сиёсий фаолликка чақирди.

“Адолат” байроғи билан Андижон кўчаларида ҳаракатланган қатор автобусларда энг чекка ҳудудлардан ҳам сайловчилар тадбирга қизиқиш билан кириб келди. Улар орасида турли соҳа вакиллари, зиёлилар, кексалар ва фаол ёшларни учратиш мумкин. Депутатликка номзодларнинг жамоатчилик билан бирга эканлиги янада эътиборли.

Даставвал, партия етакчиси йиғилганларни 21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун билан табриклаб, она тилимизни асраб-авайлаш, ўзбек тилини янада ривожлантириш, уни замонавий дунё тилшунослик жараёнларига мувафақиятли интеграция қилиш, илм-фан ва технология соҳаларида ўзбек тилидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганига тўхталди.




***– Биз бу дастурда жамиятимизда учраётган айрим оғриқли муаммоларга алоҳида эътибор қаратдик. Шу билан бир қаторда, уларнинг ечимларини ҳам таклиф қилмоқдамиз. Дастуримиз “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” деб номланганига эътибор қаратинг. Бундай ёндашув мумтоз социал-демократиянинг жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилган ғояларига тўлиқ мос келади, –*** **деди партия етакчиси.**

Тадбирда партиянинг Андижон вилоят кенгаши раҳбари Мадаминжон Мадазимов ва бошқалар сўз олиб, партиянинг сўнгги йиллардаги самарали фаолияти ҳамда бугунги кунда илгари сураётган ғоялари ҳақида батафсил маълумот берди. Жумладан, “адолатчилар”нинг асосий мақсади – халқимиз учун муносиб, адолат ва қонун устувор бўлган жамият барпо этиш эканлиги алоҳида таъкидланди. Бўлажак сайловда халқимиз ва жамиятимиз олдидаги узоқ йиллардан буён ечимини кутаётган долзарб масалалар бўйича қатор ғоя ва таклифлар илгари сурилаётганлиги қайд этилди.

Оммавий тадбир давомида партиянинг кўплаб соҳа ва йўналишларга оид амалий таклифлари ҳақидаги ғоя ва шиорлар йиғилганлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Партия фаолиятига оид видеолавҳалар, ғоявий чиқишлар, “Ёшлар қаноти” ва “Аёллар қаноти” аъзоларининг чақириқлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

*– Партиянинг Сайловолди дастурида халқимиз ва жамиятимизда кўп йиллардан буён ечимини кутаётган долзарб масалалар, уларнинг адолатли ечими бўйича ғоя ва таклифлар илгари сурилаётганлиги эътиборли,* **– деди тадбир қатнашчиси, Андижон давлат тиббиёт институти психологи Ўткирбек Арзиқулов.** *– Адолатли жамият барпо этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида қонун устуворлигини таъминлаш, мустақил суд-ҳуқуқ тизимини яратиш масалалари партиянинг устувор йўналишлари эканлиги бизга маъқул бўлди. Сайловчи сифатида “Адолат” СДПга бўлган қизиқишим янада ортди. Сайлов куни айни шу партия ва ундан кўрсатилган номзодларни ёқлаб овоз беришга қарор қилдим.*

*Тадбир иштирокчиларидан яна бири* **– ҳуқуқшунос Мўътабар Содиқова Сайловолди дастуримизни синчковлик билан ўрганганини билдирди**.

*– “Адолат” СДПнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялар жуда ўринли,* **– деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Сухроб Алиев.** *– Ундаги эътиборли вазифалардан бири таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилгани. Жамиятимизда ўқитувчининг обрўси ошса, бутун миллатнинг обрўси ошади. Ота-оналарнинг таълим-тарбия жараёнига фаол жалб этилиши, оила, мактаб ва маҳалла ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ғояси тизимда катта ўзгаришларга олиб келади. Мен ҳам номзод сифатида ўз дастуримга шу каби вазифаларни киритдим. Бу сайловчиларга маъқул бўлмоқда.*

Партия етакчилари ва фаолларининг тадбир иштирокчилари билан юзма-юз мулоқот ва савол-жавоблари жараёнлари юртдошларимизда “Адолат” социал-демократик партияси ғояларига хайрихоҳликни янада оширди. Тадбирнинг ўзида кўплаб ёшлар партия сафига қўшилиш истагини билдирди. Аксарият иштирокчилар партиянинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашларини билдириб, бўлиб ўтадиган сайловларда партияга ва партия томонидан депутатликка кўрсатилган номзодлар учун овоз беришларини айтиб ўтишди.

Оммавий тарғибот дастури якунида эстрадамизнинг ёрқин юлдузлари Ғуломжон Ёқубов, Гулсанам Мамазоитова, Равшан Комилов, Севинч Исмоилова ҳамда таниқли бошловчи Лазиза Низамхонова ва шоумен Сардор Каримов иштирокида ўтказилган гала-концерт дастури йиғилганларга кўтаринки руҳ бағишлади.

**Андижон вилояти кенгаши матбуот хизмати**





4

**СИРДАРЁ.** Давр ўзгарди, глобаллашув ҳаётимизнинг катта қисмига таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шундай шароитда миллий тараққиётимиз ривожи, аҳоли фаровонлиги, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда барча соҳа вакиллари ичида, айниқса, бугунги кун депутати фаол иштирок этиши, халқнинг чинакам вакили бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам яқинлашаётган сайловлар халқнинг орзу-умидлари, таклиф ва муаммолари билан ишловчи фидойи, ишбилармон, замонавий дунёқараш эгаларини танлаб бериши кутилмоқда.



# УЛУҒВОР ҒОЯЛАР, АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ҒАЛАБАГА ЭРИШАМИЗ!

Ховос туманида жойлашган “Темирйўлчилар” маданият саройида ўтказилган учрашувда “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова сирдарёлик йўлсозлар, темир йўл соҳаси вакиллари билан соҳани такомиллаштириш бўйича партия илгари сураётган таклиф ва ташаббусларни муҳокама қилди.



Партия етакчиси маърузаси аввалида “Адолат” СДП томонидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида сайловчилар билан ўтказилган бевосита мулоқотлар юқори кайфиятда, уларнинг фаоллиги остида ўтаётганини қайд этиб, одамларнинг бугунги кундан розилик билан яшаётганлигини, ислоҳотларга дахлдорлигини, сайловларга ва айниқса, номзодларнинг дастурларига жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини таъкидлади.

***– Тўғрисини айтаман, сайловчилар билан учрашувлар биз учун муҳим аҳамият касб этади. Бундай юзма-юз, жонли мулоқотлар пайтида сизларни ўз Сайловолди дастуримиз билан таништирамиз. Шу билан биргаликда сайловчиларнинг дастуримиздаги у ёки бу таклиф-ташаббусларимизга оид муносабатларини эшитамиз. Шу маънода бугунги учрашувимиз очиқ ва самимий, сермазмун бўлади, бизлар бир-биримизни янада яқиндан билиб-таниб оламиз, дея ишонаман,* – деди Сиёсий Кенгаш раиси.**

Учрашувда Робахон Махмудова "Адолат" СДПнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури мазмун-моҳияти юзасидан маъруза қилди ҳамда дастурдаги темир йўл логистикасини ривожлантириш, соҳанинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш сифати ва салмоғини ошириш борасида партия илгари сураётган таклифлар билан йиғилганларни яқиндан таништирди.

Сиёсий Кенгаш раиси маърузаси давомида партиянинг иқтисодиётни янада юксалтириш учун унинг қон томирлари бўлган мамлакатимиз йўлларини, транспорт ва логистика соҳасини янада ривожлантириш зарур, деб ҳисоблашига алоҳида урғу берди. Бу борада "янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган йўлларни босқичма-босқич катта механик таъсирларга бардошли ва узоқ муддат хизмат кўрсатиши учун цемент-бетон қопламага ўтказиш" таклифининг амалиётда нечоғлик муҳим аҳамият касб этиши, уни амалга ошириш жараёнида кутилаётган натижалар хусусида сўз юритди.


Масалан, цемент-бетон қопламали йўллар анъанавий асфальт қопламали йўлларга нисбатан узоқ муддат хизмат қилади. Шунингдек, бетон қопламали йўлларнинг узоқ муддатлилиги уларга хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган харажатларни ҳам қисқартириш имконини беради. Йўлларни тез-тез таъмирлаш зарурати йўқолиши туфайли давлат бюджети тежалади, бу эса мамлакат инфратузилмасини ривожлантириш учун бошқа соҳаларга маблағ йўналтириш имконини беради.

Маъруза давомида партия етакчиси йиғилганларга "Адолат" СДПнинг ижтимоий соҳадаги бошқа муҳим ва халқчил таклифлари юзасидан ҳам маълумот берди. Хусусан, "газ етиб бормаган аҳолини суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш", "истеъмолчиларга масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичларини ўрнатиш" ҳамда "аҳолини сув билан таъминлаш қамрови ҳамда сув сифати даражасини ошириб бориш чораларини кучайтириш" бўйича партия тизимли ишлар олиб бориш, масъул ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтирган ҳолда амалий натижаларга эришиш учун барча имкониятни ишга солишини маълум қилди.

Шу билан биргаликда фуқароларнинг уй-жойли бўлишига оид конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида субсидияларни ҳақиқатда муҳтож бўлган фуқароларга бериш, уларнинг ўзлари танлаган ҳудуддан уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун имтиёзлар ажратиш тизимини такомиллаштириш, бунда субсидия асосида уй сотган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам эътибор қаратди.

Учрашувда Сайловолди дастури, сайловолди кампанияси доирасида партия олиб бораётган фаолият, жорий сайловларнинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Иномжон Қудратов, Ховос Локомотив депоси раҳбари Исроил Ибрагимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жанибекова ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзод Хосият Абидова, туман кенгаши депутатлигига номзод Ғойибназар Райимназаров ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

*– Хабарингиз бор, жорий йилги сайловлар мамлакат тарихида илк бор аралаш сайлов тизимида ўтказилмоқда,* **– деди “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Иномжон Қудратов.** *– Бу эса Қонунчилик палатасида мавжуд 150 та депутатлик ўрнининг 75 таси мажоритар сайлов тизими асосида, яъни сайловчилар мавжуд 5 та сиёсий партия томонидан илгари сурилган аниқ номзодга овоз берилишини, қолган 75 та депутатлик ўрни пропорционал сайлов тизими асосида сайланишини англатади. Соддароқ қилиб айтганда, пропорционал сайлов тизимида сайловчилар аниқ номзодга эмас, балки сиёсий партияга овоз бериши,бу йилги сайловда аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек, партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40 фоизини ташкил этиши кераклиги юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар бердик.*



*– Партиямиз Сайловолди дастурида “барча ОТМларда ҳарбий кафедралар ташкил этиш” таклифини илгари сурган,* **– деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Джанибекова.** *– Тўғри, бу масала анча муҳим. Ҳарбий кафедралар фақат давлат ОТМларига эмас, балки хусусий ОТМларга ҳам керак, чунки бу бизнинг ёшларимизнинг ватанпарварлик руҳини шакллантириш, интизом ва масъулият ҳиссини оширишга қаратилган. Ҳарбий хизматга алоқаси бўлмаган соҳаларда ҳам бу каби тайёргарликлар зарур, чунки бугунги глобал хавф-хатарлар шундай даврда яшашни талаб қилади. Бундан ташқари, ҳарбий унвон олиш, ҳарбий хизмат ўтамасликка қарамай, ёшларни ҳар доим ҳарбий хизматга тайёр туришга, ўз вазифаларига жавобгар бўлишга ундайди. Бу жамиятнинг ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлашда асосий омил бўлади.*

*– “Адолат” партиясининг вилоят кенгаши билан ҳамкорлик алоқаларимиз давом этмоқда,* **– деди Ховос Локомотив депоси раҳбари Исроил Ибрагимов.** *– Жумладан, муассасамизда “Адолат” СДП тарғибот пунктлари фаолиятини йўлга қўйиш, “Бор меҳримиз сенга, болажон!” акциясида иштирок этиш борасида кўплаб ишлар қилинди. Робахон Махмудованинг сайловолди кампанияси доирасида соҳамиз вакиллари билан ўтказилган мазкур учрашувида эса кўплаб ҳамкасбларимиз “Адолат” СДПни қўллаб-қувватлаш, ўз навбатида, йўлсозлар, темир йўлчилар учун ҳам манфаатли эканини англашди, десам ҳақ гапни айтган бўламан.*

*– “Адолат” СДП ўз дастурида ёшларнинг жаҳон илм-фанига эркин кириб боришини таъминлаш мақсадида босқичма-босқич бакалавриатга кириш учун инглиз тилини билиш бўйича миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиш тартибини жорий этишни таклиф қилмоқда,* **– деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзод Хосият Абидова.** *– Инглиз тили бугунги глобал таълим ва илмий дунёқарашда марказий ўрин тутади. Дунё бўйлаб илмий ишланмаларнинг аксарияти, инновацион технологиялар ва халқаро тадқиқотлар инглиз тилида олиб борилади. Шу боис, ёшларимизни жаҳон илм-фанига эркин кириш имкониятларини яратиш учун инглиз тилини билиш жуда муҳим. Бу тил орқали улар дунё миқёсида рақобатлашадиган илмий-техник ютуқларни ўзлаштириш, глобал тажриба ва билимларни ўз мамлакатига олиб келиш имкониятига эга бўлади. Бакалавриатга кириш учун инглиз тили бўйича сертификат талаб қилишнинг асосий мақсади шундаки, бу ёшларимизни нафақат мустақил билим олишга, балки халқаро таълим тизимига интеграция қилишга тайёрлайди.*

Якунда Робахон Махмудова йиғилганларни мамлакатимизда бўлиб ўтадиган демократиянинг энг олий чўққиси – сайловлар жараёнида фаол ва шахсан иштирок этишга, “Адолат” социал-деморатик партиясининг номзодларига ва партияга овоз беришга чақирди.

Куннинг иккинчи ярмида Сиёсий Кенгаш раиси Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театрида бўлиб, маскан фаолияти билан танишди.

Қайд этиш жоизки, мазкур даргоҳ 1986 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган давр мобайнида нафақат вилоятда, балки мамлакатимиз театр санъати, ўзбек миллий маданият анъаналарини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Театр фаолияти фақат спектакллар билан чекланмай, маданий тадбирлар, семинарлар, мастер-класслар ва ижодий учрашувлар ташкил этишни ҳам ўз ичига олади. Бу тадбирлар маҳаллий ёшлар ва ижодкорларга ўз истеъдодларини намоён қилишга имкон беради.

Танишувдан сўнг Робахон Махмудова бу ерда турли миллат вакиллари билан суҳбатлашди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, бугун Сирдарёда рус, корейс, тожик, қозоқ, қирғиз, озарбайжон миллий марказлари фаолият юритяпти. Миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, маданий алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда ўзаро маданий тадбирларнинг доимий ташкил этилиши борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Робахон Махмудова бу борада партия Сайловолди дастурида "миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат олиб бориш" таклифи акс этганига алоҳида тўхталди. Таъкидланганидек, бу жамиятда тинчлик, бирлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга ёрдам беради.

Суҳбат давомида миллий маданий марказлар вакиллари ўз режалари ва яқинда ўтказиладиган тадбирлари ҳақида фикр алмашишди.

**Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати**




**ҚАШҚАДАРЁ.** Сайловолди кампанияси тадбирлари доирасида “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудованинг турли ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.



Уларда партия етакчиси электорат қатлами вакиллари билан мулоқот қилди, шунингдек, янгидан қад ростлаган ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан яқиндан танишди. Учрашувларда сиёсий майдонга янги таклифлар, етарли тажриба ва катта салоҳият билан кириб келган “Адолат” СДПнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури мазмун-моҳиятини содда ва халқчил тилда сайловчиларга тушунтириш, ноодатий тарғибот усулларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг партияга бўлган ишончини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шундай учрашувлардан бири Қарши халқаро университетида бўлиб ўтди. Партия етакчиси мазкур олийгоҳда қашқадарёлик педагоглар, таълим соҳаси вакиллари, депутатликка номзодлар, университет профессор-ўқитувчилари, партия фаоллари, талабалар ва ОАВ вакиллари билан учрашди.

Учрашув аввалида “Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Руиддин Рауповнинг “Сайлов-2024” доирасида партиянинг ҳудуддаги танилувчанлигини янада юксалтириш, “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” номли Сайловолди дастурида акс этган муҳим таклифлар ва уларнинг аҳамиятини вилоятда кенг тарғиб қилиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар учрашувларини тизимли ташкил қилиш бўйича олиб борган ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Шундан кейин партиямиз етакчиси сўзга чиқди. Робахон Махмудова кириш нутқида Қашқадарё воҳасининг ўтмишда 300 га яқин насафийлар ва ўнлаб кешийларга ватан бўлганини эътироф этиб, сўнгги етти йил ичида мамлакатимизда ўқитувчининг жамиятдаги мавқеи янада юксак бўлишига алоҳида урғу берилгани, бу жараёнда партия ҳам фаол иштирок этгани бўйича ўз фикрларини билдирди.



***– Партиянинг ўтган Сайловолди дастурида таълим соҳасида муҳим ўзгаришлар ва ислоҳотлар учун бир қатор таклифлар илгари сурилганидан хабарингиз бор. Шундан келиб чиқиб, партия фракцияси ташаббуси билан ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича 2024 йил 1 февралда Ўзбекистон Республикасининг “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ўйлайманки, бу борада, албатта, сизларнинг ижтимоий ҳимоянгиз ва қонуний муҳофазангиз учун етарли ҳуқуқий асос яратишда партиямиз қонунчилик ташаббускори бўлганини фахр билан тилга олиш ўринли бўлади,* – деди Сиёсий Кенгаш раиси.**

Партия етакчиси ўз маърузасида партиянинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида таълим соҳасини ривожлантириш, бунда ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, таълим муассасаларини замонавий инфратузилма билан таъминлаш, ўқув самарадорлигини ошириш каби масалалар юзасидан илгари сурилаётган ғояларига ҳам тўхталди.

Хусусан, “Сунъий интеллект асосида “Ақлли мактаб” дастурини таълим тизимига жорий этиш”, “Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида “Робототехника” фанини амалиётга татбиқ этиш”, “Айрим умумтаълим мактабларида синфдаги ўқувчилар сони белгиланган нормадан анча юқорилиги уларнинг сифатли таълим олишига салбий таъсир кўрсатишини эътиборга олиб, ўқувчилар сонини оптималлаштириш” таклифларининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритди.

***– Жамиятимизда ўқитувчининг обрўси ошса, бутун миллатнинг обрўси ошади. Шу боис, партиямиз электоратининг асосий қисмини ташкил этувчи ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бундан кейин ҳам доимий диққат-эътиборимизда бўлади. Биз ота-оналарнинг таълим-тарбия жараёнига фаол жалб этилишига, оила, мактаб ва маҳалла ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Зеро, мактаб ва ота-оналар ўртасидаги кучли алоқалар таълимнинг муваффақияти калитидир,* – деди партия етакчиси маърузаси сўнггида.**

Учрашув савол-жавоблар билан қизиқарли ва сермазмун кечди.

Шунингдек, Сиёсий Кенгаш раиси Қарши шаҳридаги олий ҳарбий авиация билим юрти ҳамда “Ойдин” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, сайловчилар билан жорий сиёсий тадбир, унда “Адолат” СДП томонидан сайловолди кампанияси доирасида олиб борилган ишлар, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги муаммоларни бартараф этишда партия илгари сураётган халқчил, долзарб таклифлар бўйича мулоқотлар ўтказди.

**Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати**

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўзининг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида партия олдида турган устувор мақсад ва вазифалардан бири сифатида **– иқтисодий эркинликни таъминлаш орқали давлат иштирокини сақлаб қолиш, ижтимоий тенглик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти,** шунингдек, **адолатли** ва **самарали солиқ** ҳамда **бюджет сиёсатини** амалга оширишга қаратилган бир қатор муҳим ғоя ва ташаббусларни таклиф этмоқда.

Партия мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири, деб билади. Бунда асосий эътиборни даромадларни адолатли тақсимлаш орқали жамиятда кескин табақалашувнинг олдини олишга қаратади.

**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ, Шахзада АБДИРАМАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар**




### МАҚСАДИМИЗ – ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАСИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ДАРОМАДНИ АДОЛАТЛИ ТАҚСИМЛАШ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сайловолди дастурининг иқтисодий йўналишида фуқароларимизнинг даромадидан тўланадиган солиқларнинг шаффофлиги ва адолатли тақсимланиши асосий масала сифатида белгиланган.

Партия ушбу мақсадни амалга оширишда солиқлар ва бошқа қайта тақсимлаш воситалари орқали аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовутни камайтириш, **“КЎП ДАРОМАД ТОПГАН КЎП СОЛИҚ ТЎЛАЙДИ”** тамойилига кўра ҳамда адолатли ва самарали солиқ ва бюджет сиёсатини амалга ошириш мақсадида солиққа тортишнинг **прогрессив ставкалар**ини ҳаётга жорий этиш ва шу орқали даромадлар тенгсизлигини камайтиришга эришишни мақсад қилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт эканлиги, шунингдек, солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги белгилаб қўйилган.

Биламизки, Давлат бюджети даромадларининг салмоқли қисмини айнан солиқ ва йиғимлар ташкил қилади. Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексида аниқ ва равшан белгилаб ўтилган. Булар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан шакллантирилади. Хусусан, Давлат бюджетининг даромадлари 2017 йилда 49,7 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йилда ушбу кўрсаткич 231,2 триллион сўмга етказилган.

Шу боис, биз ижтимоий адолат йўлида иш ҳақи ва бошқа даромад турларига нисбатан даромад солиғининг **прогрессив шкаласини** жорий этиш масаласини кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозир Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ойлик маошнинг 12 фоизини ташкил қилади. Мазкур ҳолатни оддий мисол билан тушунтирадиган бўлсак, ҳозирда 3 миллион сўм ойлик оладиган ходим ҳам, 30 миллион сўм иш ҳақи оладиган ходим ҳам бир хил ставкада даромад солиғи тўлаб келишмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўзининг социал-демократия мафкурасига содиқ қолган ҳолда иқтисодий соҳада ҳам ижтимоий тенгликни таъминлаш мақсадида **прогрессив шкаланинг** қуйидаги ставкаларини белгилашни таклиф этмоқда.

Хусусан, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдоригача 10 фоиз, беш баравари миқдоридан эллик баравари миқдоригача 12 фоиз, эллик баравари миқдоридан юз баравари миқдоригача 15 фоиз, юз баравари миқдоридан ва ундан юқори миқдорларига 22 фоиз солиқ тўлаш таклиф этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юқори маош олмайдиган фуқаролар бугунги кунга нисбатан камроқ солиқ тўлайди, юқори маош оладиган ходимларнинг тўлайдиган солиқлари эса ошади, давлатга жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўланишида ижтимоий адолат янада кучлироқ намоён бўлади.

Агар халқаро тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, дунёнинг кўплаб мамлакатларида солиққа тортишнинг прогрессив шкаласи қўлланилади. Жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг прогрессив шкаласи **АҚШ, Канада, Австралия, Германия, Франция, Италия** ва ривожланган иқтисодиёт, юқори иш ҳақи ҳамда аҳолининг юқори турмуш даражасига эга бўлган бошқа бир қатор мамлакатларда узоқ йиллардан бери самарали қўлланиб келинмоқда.

Ушбу мамлакатларда табақалаштирилган солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланган **АҚШ** – 10 фоиздан 37 фоизгача, **Канада** – 21 фоиздан 33 фоизгача, **Австралия** – 17 фоиздан 45 фоизгача, **Германия** – 19 фоиздан 53 фоизгача, **Франция** – 10,52 фоиздан 47 фоизгача, **Италия** – 23 фоиздан 43 фоизгача ва ҳоказо.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг мутаносиб моделидан прогрессив моделига ўтиш жараёнида фуқароларнинг солиқ масъулиятини ошириш, солиқларни ҳисобга олиш, йиғиш ва бошқариш усулларини такомиллаштириш лозим. Бу нафақат давлат бюджети даромад қисмининг кўпайишига, балки динамик ва барқарор иқтисодий ўсишига, ишбилармонлик ва инвестицион фаолликнинг ошишига, натижада эса тенгсизлик ва камбағалликнинг қисқаришига олиб келади.

### ТАДБИРКОРЛАРГА МАЖБУРИЯТ ЮКЛАЙДИГАН БАРЧА ҚОИДАЛАР ФАҚАТ ҚОНУНЛАР ОРҚАЛИ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ

Бугунги кунда тадбиркорларнинг кичик бир хатоларининг ҳам улар фаолиятига бевосита таъсир қилаётганлиги айрим ҳолатларда уларда шаффоф тизим орқали ишлашдан манфаатдорлик бўлмасликни юзага келтирмоқда. Натижада, айрим тадбиркорлар ўзларининг иқтисодий фаолиятини яширин ҳолатда олиб боришга мажбур бўлмоқда.

Ҳозирда ҳуқуқбузарликни бир йил давомида биринчи марта содир этганлик учун жарима реализация амалга оширилган охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 2 фоизи, бир йил давомида такрор содир этилганда эса охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 20 фоизи миқдорида молиявий санкция белгиланган.

Қолаверса, ҳозирда тадбиркорларга нисбатан солиққа оид битта ҳуқуқбузарлик учун ҳам молиявий санкция, ҳам маъмурий жарима қўлланиб келинмоқда. Шу боис, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, солиқ тўловчилар томонидан тушумни яширишнинг олдини олиш ва нақд пулсиз савдо-сотиқни кўпайтириш мақсадида **уларга қўлланадиган молиявий санкциялар (жарималар) миқдорини қатъий белгилаш, бунда жарималар уларнинг тушумига боғлиқлигини бартараф этишни** таклиф этмоқда.

Хусусан, Солиқ кодексининг тегишли моддаларида санкция миқдорини ҳуқуқбузарлик ҳаракатига мутаносиб равишда белгилаш назарда тутилган ўзгартиришни киритиш, шу билан бирга, солиққа оид битта ҳуқуқбузарлик учун ҳам молиявий санкция, ҳам маъмурий жарима кўзда тутилган ҳолатлар бўйича битта жавобгарлик чорасини белгилаш режалаштирилган.




Шунингдек, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сайловолди дастуридаги иқтисодий йўналишда илгари сурилган яна бир муҳим ташаббуслардан бири **тадбиркорларга мажбурият юклайдиган барча қоидаларни фақат қонунлар орқали жорий** қилишдир.

Бу ташаббус, шубҳасиз, бугунги кунда жуда муҳим аҳамиятга эга. Гап шундаки, амалиётда тадбиркорлик субъектларига айрим ҳолатларда баъзи мажбуриятлар қонуности ҳужжатлари орқали белгиланмоқда. Бу ҳолат тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига ҳар доим ҳам мос келавермайди.

Тадбиркорлар учун қулай муҳитни яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш мақсадида қабул қилинаётган қоидалар ва талаблар мамлакатдаги иқтисодий муҳитнинг барқарорлиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаши зарур. Шундай экан, тадбиркорларга мажбурият юклайдиган барча қоидаларни фақат қонунлар орқали жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Шундагина, ўрта ва пастки бўғин давлат ташкилотларининг турли расмий ҳужжатларни қабул қилиш орқали тадбиркорлар фаолиятига аралашувига барҳам берилади.

Қонунлар тадбиркорлар учун асосий ҳуқуқий доира бўлиб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва муҳофаза қилишда асосий ўрин эгаллайди. Қонунлар орқали мажбуриятларни белгилаш тадбиркорларга ишни бошлаш, олиб бориш ва кенгайтиришда аниқлик ва ишонч бағишлайди. Бу, ўз навбатида, бизнес муҳитида тавакалчиликларни камайтиришга ҳамда иқтисодий барқарорликни сақлашга кўмаклашади.

Қолаверса, мажбуриятларни фақат қонунлар орқали белгилаш тадбиркорлар учун қатор қулайликлар яратади:

– **ШАФФОФЛИК ВА АДОЛАТ:** *қонунлар тадбиркорлар учун барча мажбуриятларни аниқ ва бир хил белгиланган тартибда таъминлайди. Бу бизнесдаги шартларни ўзгартиришда шаффофликни таъминлаши баробарида коррупция хавфини камайтиради;*

– **ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИК:** *ҳар бир тадбиркор қонун олдида тенг шартларда бўлади, бу эса бизнес муҳитида ноқонуний тажовузлар ва фавқулодда ўзига хос талабларнинг олдини олишга кўмаклашади;*

– **ҚЎЛЛАНИШ ОСОНЛИГИ:** *тадбиркорлар қонунларни кузатиш орқали мажбуриятларни аниқ тушуниб олишлари мумкин, бу эса уларнинг ўз фаолиятини самарали бошқаришга кўмаклашади.*

### ИМТИЁЗЛАРНИНГ ШАХСЛАРГА ЭМАС, АНИҚ СОҲАЛАРГА БЕРИЛИШИ ТАРАФДОРИМИЗ

Шу билан бирга, партия дастурида иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ислоҳ қилиш доирасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун индивидуал солиқ ва божхона имтиёзлари бериш амалиётини максимал даражада чеклаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан асослилиги ҳамда самарадорлигини баҳолаш тизимини, шунингдек, улардан фойдаланишни мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу боис, партия божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, **ИМТИЁЗЛАРНИНГ ШАХСЛАРГА ЭМАС, АНИҚ СОҲАЛАРГА БЕРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ** тарафдори.

Биламизки, аксарият ҳолларда солиқ имтиёзлари айнан маълум бир соҳада ишлаб чиқаришни ёки маълум бир ҳудудни ривожлантиришни рағбатлантирувчи муҳим восита ҳисобланади. Бу борада бизда ҳам солиқ имтиёзлари, аввало, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ҳамда ички бозорни сифатли, ҳаёт учун энг зарур истеъмол товарлари билан таъминлашга хизмат қиладиган ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларини мақсадли ривожлантиришда ва самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритишда муҳим ўрин тутади.

Бироқ ушбу имтиёзлар айрим ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчига эмас, балки ушбу соҳадаги барча ишлаб чиқарувчиларга берилиши зарур. Бу эса адолатли рақобатни таъминлаб, монополистик фаолиятни чеклайди. Қолаверса, барча учун тенг имкониятлар берадиган солиқ имтиёзлари жорий этилиши тадбиркорлик субъектларининг ўз ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга, янги технологияларни жорий этиш орқали иқтисодий самарадорликка эришишга, келгусида бюджетга солиқ базасининг салмоқли кенгайишига ва албатта, бюджет даромадлари тушумларининг ошишига хизмат қилади.

### КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ҲУДУДЛАР РИВОЖИНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ

Шунингдек, партиямиз Сайловолди дастурида мамлакатнинг саноат салоҳиятини ошириш ва ҳудудларни изчил ривожлантиришда кичик саноат зоналари, саноат кластерларининг муҳимлигини инобатга олиб, **“Кичик саноат зоналари тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш каби илгари сурилган ташаббуслар яқин келажакда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий имкониятларини рағбатлантиради. Чунки кичик саноат зоналари бошқа ҳудудларда мавжуд бўлмаган имкониятлар, имтиёзлар ва инфратузилмавий афзалликларга эга бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда рақобатбардош ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарнинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича узлуксиз равишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида кичик саноат зоналари ташкил қилинган ва уларнинг ҳудудида турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг иштирокчилари учун фаолият юритиш шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш, инвестициялар жалб қилинишини фаоллаштиришни назарда тутувчи ушбу ташаббус кичик саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ҳажмини юқори даражага кўтариш имконини беради.

Яширин иқтисодиётга барҳам бериш мақсадида соҳада назорат функцияларини амалга оширувчи **давлат инспекцияларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда жамоатчиликнинг рақамли иқтисодиёт борасидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш** чораларини тизимли йўлга қўйиш ҳам партиянинг энг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Ушбу ташаббуслар амалга ошадиган бўлса, иқтисодий самарадорлик ошади, шаффофлик ва очиқлик таъминланади, бюрократик тўсиқларга барҳам берилади.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиётни бартараф этиш учун у ёки бу сабабга кўра норасмий секторда фаолият юритишга мажбур бўлган тадбиркорларга нисбатан амнистия қўллаш, яъни белгиланган амнистия муддати ичида тадбиркорлар ўз даромадларини ҳеч қандай тўсиқсиз ва ортиқча текширувларсиз қайд этиб, легаллаштиришлари ҳамда фаолиятларини давом эттиришлари учун қонуний чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир.

Давлат томонидан нақд пулсиз савдо қилаётган тадбиркорларга имтиёз ва преференциялар бериш орқали уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини янада таъминлашда ва яширин иқтисодиётнинг кескин камайишида муҳим аҳамият касб этади.

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРАФДОРИМИЗ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси **қишлоқ хўжалигини жадал инновацион ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш** яқин келажакда Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги улкан имкониятларини рўёбга чиқаришда, камбағаллик муаммоларини ҳал этишда ижобий натижалар беради, деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун:

*– ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ КАСБЛАР ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ДАВЛАТ БЮЮРТМАСИ АСОСИДА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ КВОТАЛАРИНИ ОШИРИШ;*

*– ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ, ДЕҲҚОНЛАРНИ ЯНГИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ЎҚИТИШ;*

*– ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИ, СУВ ТАНҚИСЛИГИ, ЕР ШЎРЛАНИШИ КАБИ ХАТАРЛАР ОРТИБ БОРАЁТГАНИ САБАБЛИ АГРАР СУҒУРТАЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ЭНГ АВВАЛО, СОҲАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЖУМЛАДАН, “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ;*

*– АҲОЛИГА АРЗОН ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА НАРХЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ, ХУСУСАН, ПАРРАНДАЧИЛИК, ҚУЁНЧИЛИК, БАЛИҚЧИЛИК КАБИ ТАРМОҚЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ;*

*– “ТЕЗ ВЕТЕРИНАРИЯ ЁРДАМИ” ХИЗМАТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, ВЕТЕРИНАРИЯ СОҲАСИГА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОҲАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ЗАМОНАВИЙ ЗООТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.*

### МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Партиямиз узоқ йиллардан буён **муқобил энергия манбалари ва ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланиш** ғоясини илгари суриб келмоқда. Партия иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, энергия тежамкорлигига эришиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди.

Хусусан, келгуси 5 йилликда мавжуд энергия қувватларининг камида **30 фоизини** муқобил энергия манбалари ташкил этишига эришиш, жаҳоннинг илғор технологияларига асосланган ҳолда миллий автосаноатда электр двигателли енгил автомобиллар, автобус ва юк машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 2030 йилга қадар ички ёнув двигателли транспорт воситаларининг камида 30 фоизини экологик тоза транспорт воситаларига алмаштириш масалаларини ҳаётга татбиқ қилади.

Шунингдек, *энергия тежамкор қурилиш меъёрларини қабул қилиш, энергия самарадорлигини оширишдаги тўсиқларни бартараф этиш, оилаларда энергия юкини камайтиришга ёрдам берадиган самарали уй иситиш тизимларини жорий этишни рағбатлантиради.*

Партия **кам таъминланган аҳоли хонадонларига давлат субсидияси асосида қуёш панеллари ўрнатишни қўллаб-қувватлайди. Электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида магистрал йўлларни қуёш панеллари ёрдамида ёритиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда кўп қаватли уйларда энергияни тежаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқишни таклиф этади.**

Қолаверса, партия ушбу йўналиш доирасида **иқтисодиётни янада юксалтириш учун унинг қон томирлари бўлган мамлакатимиз йўлларини, транспорт ва логистика соҳасини янада ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди. Бу борада янги қурилади ган ва реконструкция қилинадиган йўлларни босқичма-босқич катта механик таъсирларга бардошли ва узоқ муддат хизмат кўрсатиши учун цемент-бетон қопламага ўтказишни таклиф қилмоқда.**

**Бир сўз билан айтганда, партия дастуридаги барча йўналишларда бўлгани каби иқтисодий йўналишда ҳам илгари сурилган илғор ғоя ва ташаббусларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши, келгуси беш йилликда аҳолига қулайликлар яратиш билан бир қаторда мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожини ҳам таъминлайди.**

**Адолат бор жойда ҳаёт барқарор, тараққиёт бардавом!**

# НОМЗОДЛАР ДАСТУРЛАРИ ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Юртимизда жорий йил 27 октябрда бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар сайловига саноқли кунлар қолмоқда. Шу боис ҳар бир сиёсий партия ва ундан кўрсатилган номзодлар вакиллик органларида кўпроқ депутатлик ўринларига эга бўлиш мақсадида тарғибот ишларини фаол олиб бормоқда.




Учқудуқ тумани республикамизнинг Қозоғистон билан чегарадош энг шимолий ҳудудларидан бири ҳисобланиб, Навоий вилоят марказидан 300 километр узоқликда жойлашган. 20-Навоий вилояти сайлов округи томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон “Адолат” СДПдан номзоди қўйилган Гулмира Хайриддинованинг ишончли вакили Дилором Мақсудова учқудуқлик сайловчилар билан учрашди.

Учқудуқ туман Ахборот-кутубхона марказида ташкил этилган тадбирда депутатликка номзоднинг дастурида белгиланган асосий йўналишлар ва муҳим ҳаётий масалалар қизғин муҳокама қилинди.

Ишончли вакил Дилором Мақсудова номзоднинг таржимаи ҳоли ва унинг Сайловолди дастуридан ўрин олган муҳим ташаббуслари билан сайловчиларни таништирди.

Хусусан, дастурда тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш масаласига устувор аҳамият қаратилган. Шу билан бирга, олис ва чекка ҳудудлардаги оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда тор соҳа мутахассислари фаолиятини йўлга қўйиш ҳам дастурдан ўрин олган. Дилором Мақсудова аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш ва соҳада замонавий технологияларни жорий қилиш, дориларнинг ягона электрон базасини шакллантириш ва мамлакат бўйлаб яхлит электрон тизимни жорий қилиш, дори нархларининг сунъий оширилишининг олдини олиш мақсадида хорижий тажриба асосида дори воситаларининг реализациясидан то истеъмолчига етиб боргунча бўлган ҳаракатланиш занжири жараёнини кузатиш технологиясидан фойдаланиш ташаббусини илгари сураётгани сайловчилар томонидан маъқулланди.

Учрашув давомида номзод томонидан аҳолининг мурожаатлари, таклиф ва фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Сайловчилар томонидан билдирилган ҳар бир фикрга номзод томонидан аниқ жавоблар қайтарилди. Эътиборли жиҳати – номзод дастурига киритилган таклифлар аҳоли томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Шу куни Учқудуқ туманидаги “Абай”, “Мустақиллик”, “Дўстлик” ҳамда “Йўлчилар" маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам партия фаоллари ва депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан юзма-юз учрашувлари ўтказилди. Хонадонларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар олиб борилиб, партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда депутатликка номзодлар билан батафсил таништирилди.

Партия номзодларининг аҳоли билан бу каби очиқ мулоқотлари, маҳаллалардаги кенг кўламли тарғибот ишлари сайловчилар хайрихоҳлигига эришиш учун мустаҳкам замин яратиши шубҳасиздир.

**Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати**

# ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА

## НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳаларида демократик ўзгаришларнинг амалга оширилишида фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур ҳуқуқий база яратилди.

**Санжарбек ТАНГРИБЕРГАНОВ,**
**Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Хоразм вилояти ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси**

Жумладан, Конституциямизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилот(ННТ)лари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб берилди. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги конституцион даражада мустаҳкамланди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида 13-бобнинг киритилиши ва улар фаолиятининг кафолатланиши жамиятда очиқлик ва ошкоралик, қонунийлик, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлди.

Масалан, янги таҳрирдаги Конституциямизда илк бор “фуқаролик жамияти институтлари” ибораси киритилиб, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари қаторида қайд этилди (69-модда).

Қомусимизнинг 115-моддасида Вазирлар Маҳкамасига фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш вазифаси юклатилганлиги, 148-моддасида эса бундай институтларга Ўзбекистон Республикаси бюджети шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколатининг берилиши, давлат ва жамият бошқарувида ННТлар ролининг кучайишига хизмат қилади.

Шунингдек, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ННТларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 4 майда **“Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ва 2021 йил 4 мартда “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинди.

Буларнинг узвий давоми сифатида 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган **“Ўзбекистон – 2030”** стретагиясида фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга эътибор берилди. Хусусан, ижтимоий лойиҳалар ва давлат дастурларида иштирок этувчи ННТлар сонини ошириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид мақсадлар белгилаб қўйилди.

Ушбу ислоҳотларнинг самарасини мамлакатимизда ННТлар сони ва давлат томонидан уларга ажратилаётган маблағлар миқдори ошаётганлигида, жамиятимизда муаммоларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари ўзларининг ижтимоий лойиҳалари билан фаол қатнашаётганлигида кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 600 дан ортиқ ННТлар фаолият юритаётган бўлиб, улар Олий Мажлис ва халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондлари томонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда. ННТларнинг ташаббус ва ижтимоий лойиҳалари давлат ижтимоий буюртмаси, грант ва субсидиялар доирасида рағбатлантирилиши уларнинг жамиятдаги ролини оширишга хизмат қилмоқда.

Масалан, биргина ўтган 2023 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан вилоятдаги Миллий маданий марказлар ва Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси фаолияти учун **4 миллиард** сўмдан ортиқ субсидия маблағи йўналтирилган бўлса, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан маҳаллий ННТларга давлат гранти, ижтимоий буюртма ва субсидия шаклида **3 миллиард 560 миллион** сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

ННТларнинг молиявий қўллаб-қувватлаш ишлари 2024 йилда ҳам давом эттирилиб, улар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида жорий йилда маҳаллий бюджетдан **3 миллиард 300 миллион сўм**дан ортиқ, Олий Мажлис Жамоат фонди томонидан **3 миллиард 800 миллион сўм**дан ортиқ маблағлар ажратилган.

Ушбу маблағларнинг аксарияти давлат субсидияси доирасида фаолият юритувчи Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, вилоятдаги 4 та Миллий маданий марказлар, Ногиронлар ассоциацияси, Карлар, Ногиронлар ва Кўзи ожизлар жамиятларининг вилоят, туман ва шаҳар бўлинмаларининг самарали фоалияти учун йўналтирилган.

ННТларнинг ижтимоий лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Жамоат фондлари томонидан турли грант танловлари ўтказиб, молиялаштирилаётган лойиҳалар сони ошиб бормоқда.

Масалан, 2022 йилда Парламент ва маҳаллий жамоат фондлари маблағлари ҳисобида 16 та грант, 4 та давлат ижтимоий буюртма лойиҳалари амалга оширилган бўлса, 2023 йилда 21 та ННТ грант, 2 та ННТ давлат ижтимоий буюртма лойиҳаларини амалга оширган.

Мазкур лойиҳаларнинг кўпчилиги, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, аҳолини одам савдоси ва коррупцияга қарши курашиш, ҳуқуқий билим ва маданиятларини юксалтириш масалаларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида эса вилоятдаги ННТлар томонидан 9 та грант ва 1 та давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳалари қўлга киритилган.

Вилоятдаги фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари юқоридаги лойиҳалари доирасида аҳолининг турли ижтимоий муаммоларини ечишда давлат органларига яқин кўмакчи бўлмоқда.

Мазкур жараёнлар, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ижобий натижа бермоқда.

Юқоридагилардан ташқари фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини яратиш, шунингдек, ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида жорий йил 26 августда **“Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Президент фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон ижроси доирасида, эндиликда парламент ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, ННТларнинг ижтимоий лойиҳалари манзилли қўллаб-қувватланилиб, бюрократик тўсиқларга чек қўйилади.

Фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грант ва ижтимоий буюртма лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ жараёнлар учун электрон платформанинг йўлга қўйилиши ўтказиладиган танловлар шаффофлигини таъминлаш ҳамда адолатли бўлишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, фармонга кўра, ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратилган қатор ижобий механизмлар жорий этилмоқда.

Масалан, эндиликда ҳар йили давлат органлари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказади ва ҳукумат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш бўйича дастур қабул қилади.

Бу эса ННТлар кўмагида жойлардаги аҳолини қийнаб турган муаммоларни яқиндан ўрганиш, улар ечимига оид таклифлар ишлаб чиқиш, тўсиқсиз жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳамда манзилли ижтимоий буюртмалар лойиҳаларини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳалари миқдори БҲМнинг 1 000 бараваригача танловларсиз тўғридан-тўғри молиялаштириш тартибининг жорий этилиши, грант лойиҳалари доирасидаги ишларда даромад ва ижтимоий солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилиши ННТларнинг моддий-молиявий аҳволини яхшилайди.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги йилларда амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга олиб чиқмоқда. Уларнинг янада фаол ва ташаббускор бўлишларига, давлат ва жамият бошқарувидаги ННТларнинг бевосита иштироки учун янги имкониятларни очиб беради.

Қолаверса, ижтимоий шериклик институтини янада ривожлантириш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ўзаро ишончли ва тенг манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашда самарали жамоатчилик бошқарувини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Reklama huquqi asosida

## Донолар бисотидан

### *Она тили ҳақида*

*Миллий ҳиссиётимиздан ажрамай, уни сақлай олсак, келажакда душманларга ютилишдан ўзимизни қутқара оламиз. Энди бу мақсадга етиш учун қўйилган масалаларнинг энг биринчи шарти тил масаласидир. Агар биз тил-адабиётимизни кенгайтириб, унинг қадр-қимматини ошириб, бошқа маданий тиллар даражасига етқизур эканмиз, мана бу чоғда миллатимиз, миллий ҳиссиётларимиз доимий равишда ўсиб сақланғусидир. Агар бундай бўлмай, балки аксинча, ўз она тили қадрига етмасдан унга аҳамият бермас эканлар, у чоғда кўп узоқламаёқ алвидо айтиб, ўз тилларидан абадий ажраган бўладилар.*

*Шундоқ бўлиб ўз она тилидан ажрамоқлик, миллий ҳиссиётларини йўқотиш натижасидир. Бу иш эса инсоният олами олдида улуғ хиёнат, кечирилмас жиноят ҳисобланади. Бундай бўлди демак, улуғ Туркистон улуси, Турон насли босқинчилар тилагича, қурбон бўлган ҳолда инқирозга учраб, Аллоҳ сақласин, тарих саҳифаларидаги шон-шарафлик ном-нишонлари ўчирилади демакдир.*

**Алихонтўра СОҒУНИЙ**

***Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинайи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллат руҳини йўқотмакдур.***

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

***Ўзбек тили камбағал тил эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар.***

Абдулла ҚОДИРИЙ

***Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ!***

Абдулла ҚАҲҲОР

***Сўз – забаржад,***
***Сўз – гавҳар, олтин.***
***Заргарликнинг машаққати кўп.***
***Сўзни байтга қадашдан олдин***
***Кафтингга қўй, тўйиб қара, ўп!***

**Она тилимни севмасам, сўзларига маҳлиё бўлмасам, ҳайратланмасам, менга шоирлик қайда эди!**

Эркин ВОҲИДОВ

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА, Қодир ЖЎРАЕВ
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Зухра ИБРАГИМОВА
Наримон УМАРОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ
Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ
Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1000

Адади – 12 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.